

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ  
ХУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА  
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ЎзР Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги

ДИРЕКТОРИ

ЕМУҲИКТИ Г.Жамилов



октабрь

**19.00.05 – “ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ, ЭТНОПСИХОЛОГИЯ”  
ихтиослиги бўйича Институт олий ўқув юртидан кейинги таълим  
институтига кириш имтиҳони  
ДАСТУРИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Институт Кенгашининг 2021  
йил 5 октябридаги 7-сонли  
мажлисида маъқулланган

**Тузувчи:**

Қодиров К.Б. – “Бошкарув кўникмалари ва етакчилик маҳоратини  
ривожлантириш” кафедраси профессори, психология  
фанлари доктори



## Кириш

Дастур 19.00.05 – “Ижтимоий психология, этнопсихология” ихтисослиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти олий ўқув юритдан кейинги таълим институтига кириш имтиҳони топширувчиларга мўлжалланган. Дастур психология фанларининг 19.00.05 – “Ижтимоий психология, этнопсихология” ихтисослиги талаблари асосида ишлаб чиқилган. Дастур психология фанларининг “Ижтимоий психология, этнопсихология” ихтисослигида кўзда тутилган масалаларни қамраб олган ҳамда олий ўқув юритдан кейинги таълим институтига киришга даъвогар номзодларнинг ушбу малалар бўйича назарий ва амалий билимларини атрофлича баҳолаш мақсадида тузилган.

Институтда олий ўқув юритдан кейинги таълим институтига киришга даъвогар:

- ижтимоий психологиянинг предмети, мақсади ва вазифалари;
- ижтимоий психологиянинг ривожланиш тарихи;
- ижтимоий психология фанининг методлари;
- ижтимоий психология фанидаги илмий мактаблар ва уларнинг ғоялари;
- ижтимоий психология фанининг асосий категориялари;
- катта ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-психологик характеристикаси;
- катта ва кичик гуруҳлар;
- ижтимоий роль, ижтимоий статус;
- ижтимоий психологиядаги установка;
- муомала ва шахслараро муносабат;
- муомаланинг коммуникатив ва интерактив томонлари;
- оммавий ижтимоий жараёнлар ва ҳаракатлар психологияси;
- ижтимоийлашув;
- жамият ва шахснинг ўзаро муносабати;
- шахс активлиги;
- шахснинг гуруҳдаги ўрни ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**
- ижтимоий психология фани муаммоларини илмий асослашни;
- шахслараро муносабатларни;
- гуруҳдаги лидерлик ва лидерга хос хусусиятларни;
- ижтимоий установкаларни тадқиқ этишни;
- ижтимоий установкалар ва уларни ижтимоий-психологик вазиятларда қўллашни;
- муомала ва шахслараро муносабатнинг қоидаларини;
- муомаланинг коммуникатив ва интерактив томонларини татбиқ этишни;
- шахснинг ижтимоий психологик хусусиятларнинг таҳлил этишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- ижтимоий-психологик тадқиқотларда фаннинг методларини қўллаш;
- одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва муомаланинг ижтимоий психологик қонуниятларидан фойдаланиш;
- катта ва кичик гурӯҳларни тадқиқ этиш;
- лидерлик ва лидер хусусиятларини баҳолай олиш;
- ижтимоий психология муаммоларини ўрганишда тадқиқот методикаларини қўллаш;
- ижтимоий психология фани муаммоларини таҳлил қилиш ва уларни психологик шарҳлаш **кўникмаларига эга бўлиши талааб этилади.**

Институт олий ўкув юртидан кейинги таълим институтига 19.00.05 – “Ижтимоий психология, этнопсихология” ихтисослиги бўйича кириш имтиҳонини ўтказишдан мақсад – даъвогарнинг танланган ихтисослик бўйича назарий ва амалий тайёргарлик даражасини аниqlашdir. Имтиҳонда қўйидаги вазифалар ўз ечимини топади.

- даъвогарнинг танланган ихтисослик бўйича назарий ва амалий малакаси даражаси аниqlанади;
- даъвогарнинг ўкув ва илмий адабиётлар билан мустақил ва самарали ишлаш қобилияти баҳоланади;
- даъвогарнинг ижтимоий-психологик қонуниятларни таҳлил қилишда психологик фанларнинг назарий билимларини қўллай олиш малакаси эътиборга олинади.

## **ДАСТУР МАЗМУНИ**

### **1-БЎЛИМ. ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯ**

#### **Ижтимоий психологияга кириш**

Ижтимоий психология методини тушуниш умумий психология ва социология предметини тушунишига боғлиқлиги. Психологик ва социологик адабиётларда ижтимоий психология предметини бирдек тушунишнинг йўқлиги. Ижтимоий психология предметига нисбатан мавжуд уч нуқтаи назар.

Ижтимоий психологиянинг бошқа фанлар, психологиянинг бошқа туркумлари билан муносабати. Ижтимоий психология предмети тушунчаси. Тарихни танқидий анализ қилиш ва чет эл ижтимоий психологиясидаги назарияларнинг, оқимларнинг моҳияти.

Илмий билим ривожланишининг замонавий босқичида методологик муаммолар аҳамиятини ўсиши. Илмий тадқиқот методологияси тушунчаси. Ижтимоий психологияда талаблар. Ижтимоий-психологик тадқиқотнинг иккита асосий типи. Экспериментал ва корреляцион тадқиқотлар. Маълумотларнинг ишончлилигини ва шарти масаласини очиш хусусияти. Ижтимоий психологик тадқиқотнинг асосий методлари.

“Халқлар психологияси” унинг тарихий сабаблари ва вазифалари, Лацарус, Штейнтал томонидан уни программасининг шаклланиши. «Халқлар психологияси»га Вундтнинг маҳсус ёндашуви. Омма ва оломон психологияси. Тард ишларида уч манбани ва ишларида уч тугалланишни “Ижтимоий хатти-ҳаракат инстинкти” назарияси (Мак Даугалл). Ижтимоий психологиянинг чет элдаги ҳозирги вақтда мавжуд бўлган асосий назарий концепцияси.

#### **Ижтимоий психология методологияси ва методлари**

Илмий билим ривожланишининг замонавий босқичида метадологик муаммолар аҳамиятининг ўсиши. Илмий тадқиқот методологияси тушунчаси. Ижтимоий психологияда талаблар. Ижтимоий-психологик тадқиқотнинг икки асосий типи. Экспериментал ва корреляцион. Маълумотларнинг ишончлилигини ва шарти масаласини очиш хусусияти.

Ижтимоий психологик тадқиқотнинг асосий методлари. Кузатиш методи. сухбат методи. Ҳужжатларни таҳлил қилиш методи. Проектив методлар. Ижтимоий-психологик тадқиқотларда тўғри ва нотўғри методларнинг муносабати.

Ижтимоий психологияда “тест” қўллашнинг шароитлари. Ижтимоий психологияда экспериментларнинг асосий типлари. Ижтимоий психологияда ўлчаш муаммоси.

## **Ижтимоий психологиянинг асосий йўналишлари ва тармоклари**

Психоанализ. Бихевиоризм. Социометрия, гурухли динамика мактаби. Когнитивизм. Интеракционизм. Инсонпарварлик психологияси. Транзакт таҳлил. Экзистенциал психология. Гуруҳлар психологияси, этнопсихология, оила психологияси.

### **Ижтимоий психологияда шахс муаммоси**

Индивидуал онг ривожланишида ижтимоий муносабатларни ҳал қилувчи роли. “Ижтимоий роль” тушунчаси. Ижтимоий роль – ижтимоий фаолиятнинг ижтимоий зарурый тури – ижтимоий муносабатлар тизимида шахснинг ўрни билан белгилаб берилган шахс хатти-харакатининг усули. Ижтимоий ролни бажаришнинг турли усулларининг “шахсий” бўлиш имконияти.

Шахслараро муносабатларнинг ижтимоий муносабатлар тизимида вужудга келиши, унинг намоён бўлиш шартлари.

### **Мулоқот психологияси**

Мулоқотнинг коммуникатив томони: муомала – ахборот алмашиш. Коммуникатив вазиятни ифодалашда ижтимоий психологиянинг тушунчалар аппарати. Коммуникатив турлари.

Вербал коммуникация. Коммуникатив хусусиятларидаги аҳамияти. Новербал коммуникациянинг асосий турлари

Новербал коммуникациянинг ҳар бир турини экспериментал тадқиқ қилишдаги асосий йуналишлар.

Мулоқотнинг интерактив томони: мулоқотнинг ҳаракатлар билан алмашиши

Ижтимоий психологияда одамларнинг бир-бирига таъсири муаммоси. Чет эл ижтимоий психологиясида ўзаро таъсир актининг анатомияси муаммосини ўрганиш. Дидактик таъсир назарияси: “символик интеракционизм”да ўзаро таъсир муаммосини ҳал қилиш.

Ўзаро таъсир жараёнининг компонентлари. Ўзаро таъсир турлари. Ижтимоий психологияда кооперация ва конфликт. Ўзаро таъсирнинг экспериментал схемаси.

Муомаланинг перцептив томони: ўзаро идрок этиш

Ижтимоий психологияда перцептив жараёнларни анализ қилиш хусусияти. Шахсларарор идрокни ижтимоий-перцептив жараёнлар тизимидағи ўрни. Шахслараро идрокнинг муомала жараёнидаги ўрни. Ўзаро идрок ва муомаладаги шерикларни билиш, улар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш асоси.

Шахслараро идрокни экспериментал тадқиқ қилишнинг асосий йўналишлари. Идокнинг механизмлари ва эфектлари. Стереотипизация жараёнининг мазмуни ва аҳамияти. Бошқа одам хатти-харакати сабабларини «таҳлил қилиш» каузал атрибуциянинг асосидир. Атрибуция жараён структураси. Атрибуциянинг тур ва шакллари.

## **Ижтимоий ва шахслараро муносабатлар**

Ижтимоий психологияда шахс муаммоси. “Мен” концепцияси, “Мен” образи, ижтимоий тафаккур, ижтимоий онг.

Шахслараро муносабатларнинг ижтимоий муносабатлар тизимида вужудга келиши, унинг намоён бўлиш шартлари.

Шахслараро муносабатларнинг эмоционал асоси. Кичик гуруҳларда шахслараро муносабатлар хусусиятининг умумий характеристикиси.

Ижтимоий установка тушунчаси. Ижтимоий установкаларни ўрганишда Узнадзе мактаби тадқиқотларининг аҳамияти. Психологияда ижтимоий установкаларни ўрганишга бўлган турли ёндашуувлар. Ижтимоий установка структураси. Ижтимоий установкалар эмоционал когнитив ва хатти-ҳаракат компонентлари. Ижтимоий установкалар ўзгариши муаммоси ва унинг назарий ва амалий аҳамияти.

## **Ижтимоий психологияда гуруҳлар муаммоси**

Ижтимоий психологияда гуруҳлар муаммосини қўйиш учун гуруҳларни ижтимоий анализ қилишнинг аҳамияти.

Ижтимоий психологияда гуруҳларни тадқиқ килиш учун фаолият принципи метадологик аҳамияти. Гуруҳ фукциялари. Гуруҳ параметрлари. Гуруҳ структураси. Гуруҳ нормаларининг шахс индивидуал хусусиятларига таъсири. Жамоалар ва гуруҳлар. Жамоаларнинг психологик белгиси – “биз”-хиссиеётининг юзага келиши. Гуруҳлар ва ташкилот. “Гуруҳий онг” феномени.

Гуруҳлараро муносабатлар психологияси ижтимоий психологияга нисбатан янги соҳа. Чет эл ижтимоий психологиясида гуруҳлараро муносабатларнинг ўрганилиши. Гуруҳлараро ўзаро таъсирни гуруҳдаги ички жараёнларга таъсири. Катта ижтимоий гуруҳлар даражасида гуруҳлараро жараён спецификаси. Гуруҳлараро муносабатлар психологиясининг амалий муаммолари.

Шахснинг ижтимоийлашви. Ижтимоийлашув омиллари. Ижтимоийлашувнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари. Ижтимоийлашув жараёнини тадқиқ этишда ижтимоий психология ва генетик психологиянинг ўзаро таъсири. Ижтимоийлашувнинг ижтимоий-психологик ва социологик жиҳатлари. Ижтимоий роль. Статус ва роль. Индивидуал ижтимоийлашувнинг асосий босқичлари. Ижтимоийлашув механизmlари ва институтлари. Шахснинг ижтимоий-психологик хатти-ҳаракатини социализация ва детерминациясида расмий ва норасмий ташкилотларнинг роли.

## **Кичик гуруҳлар психологияси**

XX аср ижтимоий психологиясида кичик гуруҳларга бўлган қизиқишлиарнинг сабаблари. Ижтимоий ҳаётда кичик гуруҳлар аҳамияти ошишининг объектив шароитлари. Кичик гуруҳ тушунчаси. Кичик гуруҳлар

классификацияси: бирламчи ва иккиламчи гурухлар, расмий ва норасмий, аъзоли ва референт гурухлар. Гурух ва ташкилот. Ташкилот психологияси.

Кичик гурух тузилиши. Индивиднинг гурухдаги ўрни. Кичик гурухлар структураси ва динамик жиҳатлари. Гурухларнинг ривожланиш муаммоси. Гурухий активликни воситалашнинг фаолиятли принципи мазмуни.

Кичик гурухлар динамикасининг асосий жараёнлари. Кичик гурухдаги жараёнларнинг умумий характеристикаси. Кичик гурухларнинг шаклланиш механизми. Кичик гурухларда лидерлик ва раҳбарлик. Ижтимоий психологияда лидер тушунчаси.

### **Ижтимоий-психологияда катта гурухларнинг ўрганилиши**

Катта гурухлар психологияси муаммоси. Катта гурухларни синфларга бўлиш зарурияти. Ноформал бирлашмалар ва стихияли ташкил этилмаган гурухлар психологияси.

Катта ижтимоий гурухлар психологиясини тадқиқ этишнинг ўзига хослиги, ижтимоий психология ва идеологиянинг ўзаро муносабати.

Этник гурухларнинг психологик хусусиятлари. Этник гурухларни тадқиқ этишнинг методологик принциплари. Этник келиб чиқиш, этник гурух мавжудлигининг ижтимоий тарихий шароитларга боғлиқлиги.

### **Оломон психологияси**

#### **Оммавий ижтимоий жараёнлар ва ҳаракатлар психологияси**

Ижтимоий фикр ва ижтимоий кайфият – оммавий ижтимоий жараёнларнинг мухим характеристикаси. Катта ижтимоий гурухлар психологияси эмоционал томонининг ижтимоий фикр ва ижтимоий кайфият шаклланишидаги аҳамияти. Ижтимоий фикр ва ижтимоий кайфият ва стихияли таъсирларга онгли таъсирнинг муносабати. Ижтимоий психологияда “ижтимоий онгсизлик” муаммоси.

Ижтимоий фикр ва ижтимоий кайфиятни ҳозирги шароитда ўрганишнинг аҳамияти.

### **Лидерлик ва бошқарув**

Лидерликни ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти. Гурухий қарор қабул қилиш. Гурухий фикр шаклланиши ва гурухда қарор қабул қилишга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Гурухий келишмовчиликлар ва қарор қабул қилиш механизми. Кичик гурухнинг фаолият самараси. Гурух фаолияти самарасига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Шахс ва ўзаро таъсир муаммоси. Шахснинг биргаликдаги ҳаракатларга тайёргарлиги. Ижтимоий-психологик тренинг шахс ижтимоий-психологик хусусиятларини ривожлантириш усули.

## **Татбиқий ижтимоий психология**

Муомала генезиси, физиогномика тұғрисида түшүнчә. Оила - маҳалла ва ташкилотларда. Ижтимоий-психологик таҳлилде дифференциал психологик маълумотларга әзтибор қаратыши. Шахс типлари ва уларнинг психологик характеристикаси. Шахснинг когнитив мураккаблиги ва когнитив стили муаммоси. Шахс ва ўзаро таъсир муаммоси. Шахснинг биргалиқдаги ҳаракатларга тайёргарлиги. Ижтимоий-психологик тренинг шахс ижтимоий-психологик хусусиятларини ривожлантириш усули.

### **2-БҮЛІМ. ШАХСЛАРАРО ВА ОИЛАВИЙ МУНОСБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ**

#### **Муомала инсон борлиғининг шарти ва моҳияти сифатида**

“Шахслараро коммуникация”, “шахслараро таъсир күрсатиши”, “шахслараро муносабат” түшүнчалари. Муомала функциялари, турлари, даражалари. Муомала структураси. Шахс ривожланиши ва муомала. Муомаланинг инсон ҳулқ-атворига таъсири Муомаланинг ўзига хос хусусиятлари. Муомала ва коммуникация, муомала ва ўзаро таъсир, муомала ва муносабат, муомала ва ўзаро түшүниш, муомала ва ўзаро таъсир күрсатиши түшүнчаларининг бир-бираига боғлиқлиги.

Муомаланинг маданий тадқиқ этилиши. Муомала умумпсихологик муаммо сифатида. Муомала ва билиш жараёнлари. В.М.Бехтерев ва Б.Ф.Ломов мактабида муомаланинг тадқиқ этилиши.

#### **Психологияда муомалани ўрганишнинг назарий ва методологик асослари**

Методология түшүнчеси. Умумий ва хусусий методология. Фалсафада муомала муаммосининг методологик асослари. Муомаланинг фалсафий-антропологик назариялари Информацион, интеракционал ва реляцион ёндашувлар. Ижтимоий психологиянинг турли назарий йұналишларида муомала талқини Необихевиористик йұналиш. Когнитив йұналиш. Интеракцион йұналиш. Психоаналитик йұналиш. Муомалани маданий тадқиқ этилиши.

В.М.Бехтерев асарларыда муомала муаммосининг психологик ишланмалари. Л.С.Выготский ишларыда муомала муаммоси ва Б.Ф.Ломовнинг муомаланинг психологик муаммоларини ишлаб чиқишига қўшган ҳиссаси. Муомала умумпсихологик муаммо сифатида. Муомала ва билиш жараёнлари. В.М.Бехтерев ва Б.Ф.Ломов мактабида муомаланинг тадқиқ этилиши. В.Н.Мясищев асарларыда муомала психологиясининг назарий ва татбиқий муаммолари. Б.Г.Ананьев асарларыда муомаланинг психологик муаммолари.

М.М.Бахтин, К.С.Станиславский ишларыда муомала маданияти ҳақидағы қарашлар.

## **Шахслараро муносабат: шахс ва муомала**

Шахслараро муносабат. Муомалага шахс ёндошуви. (Абульханова-Славская, Ананьев, Бодалёв, Ломов ва бошқалар). Эҳтиёж, мотивлар ва муомалада шахс йўналганлиги. Муомала жараёнида шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг роли. Эмоционал барқарорлик ва толерантлик, фаоллик, креативлик, мулоқатмандлик, локус назорат, эмпатия. Эмпатия шахслараро муносабат механизми сифатида.

Ўзаро муносабат, ўз-ўзига баҳо бериш, шахснинг ўзига бўлган муносабати. Шахснинг ўзини хурмат қилиши ва ўзига баҳо бериши, ҳимоя механизмлари ва уларнинг ўзаро муносабатдаги роли ва ахамияти. Комплекс. Автобиографик хотира ва инсонларнинг бир-бирини тушуниши. Шахснинг биографик кризислари. Муносабатлар ва ҳаётдаги бўладиган вазиятларни диагностика қилишнинг психологик автобиографияси.

### **Муомала ва ўзаро бир-бирини идрок этиш**

Ўзаро ишончга асосланган муомала, унинг механизмлари ва босқичлари. Психологик яқинлик муаммолари. Ишонч психологияси ва ёлғон. Аффилиация ишончга асосланган муносабатга эҳтиёж сифатида.

Шахслараро атtrakция. Шахслараро атракцияни ўлчашнинг ташки ва ички омиллари. Боғланиб қолиш, севги ва дўстлик атракциянинг барқарор шакллари сифатида, уларни ўрганиш ва ўлчаш. Ҳавас ва яқинлик. Узоқ муддатли муносабатнинг омиллари.

Муомаладаги ҳис-туйғу ва эмоцияларнинг асосий характеристикаси. Ижтимоий эмоциялар. Ҳис-туйғу ва эмоцияларни бошқариш усуллари.

Муносабат ва ривожланиш. Муносабатнинг ривожланиш босқичлари. Барқарор эмоционал муносабатларнинг омиллари. Муомала жараёнида шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг роли. Эмоционал барқарорлик ва толерантлик, фаоллик, креативлик, мулоқатмандлик, локус назорат, эмпатия. Эмпатия шахслараро муносабат механизми сифатида.

Альтуризм: хулқ-атвор ва ўзаро ёрдам. Ёрдам бериш мотивлари. Шахс хусусиятлари ва альтуризм. Мехр.

Шахслараро ўзаро тушуниш. Ўзаро тушунишнинг асоси ва механизмлари. Каузал атрибуция механизмлари. Стереотипизация жараёнининг мазмуни ва моҳияти. Ўзаро муносабат жараёнида стериотипизация ва таассубнинг роли. Стереотиплар ва таассуб, нотўғри фикрлаш. Нотўғри фикрлаш сабаблари.

### **Ахборот алмашиш ва муомалада ўзаро таъсир этиш**

Муомала ахборот алмашиш воситаси сифатида. Коммуникатив жараёнда ахборот алмашиш хусусиятлари. Коммуникатив тўсиқлар. Ахборот турлари. Коммуникация воситалари ва нутқ. Шахслараро муносабат ва нутқ: тил орқали ахборот алмашиш, нутқ ва ўзаро тушуниш, ижтимоий йўналтирилган мулоқотда нутқнинг хусусиятлари, шахсларао муносабатда новербал мулоқот нормалари ва унинг тамоиллари.

“Новербал мумомала” ва “Новербал ҳатти-ҳаракат”ни таърифлашдаги мумомлар. Новербал коммуникация. Шахснинг экспрессив никобланиш функцияси ривожланишининг ижтимоий маданий детерминацияси. Нутқ ва шахслараро мумомала; Новербал коммуникация. Белгиларнинг оптик-кинетик тизими. Белгиларнинг паралингвистик ва экстравалингвистик тизими. Проксемика. Визуал мумомала.

Тилнинг асосий новербал, экспрессив характеристикиси: вақт-макон бирлигига, ҳаракатчанлик, интенционал бўлмаган ҳаракатни интенционал ҳаракатдан устунлигини унинг тизимида намоён бўлиши. Новербал маълумотларни кодлаштириш мумомлари.

Инсонларнинг бир-бири билан келиша олиши ва унинг муносабатга таъсири. Асосий ёндашувлар, таърифлар ва омиллар. Шахс типлари (К.Хорни, Д.Роттер, А.Адорно, Э.Фромм ва б.) ва инсонларнинг келиша олиши. Инсонларни бир-бири билан келиша олмаслигининг психологик сабаблари.

Ўзаро бир-бирига таъсир этиш стратегиялари: ёрдам бериш, қарши таъсир этиш ва мумомалада таъсир этишдан қочиш. Ролли таъсир этиш. Ўзаро таъсир биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш сифатида. Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш.

### **Мумомала жараёнида ўзаро таъсир этиш усуллари**

Жамоадан ташқаридаги хулқ-автор вазиятларида таъсир қўрсатиш мумомлари. Ўзаро таъсир этиш феномени. Мумомалада лидерлик ва устунлик. Таъсир этишнинг коммуникатив-шахсий потенциали.

Мумомала жараёнида ўзаро таъсир қўрсатишнинг психологик усуллари. Таъсир қўрсатиш турлари. Юқтириш. Ишонтириш. Тақлид қилиш. Мода.

### **Манипуляция психологик таъсир этиш сифатида**

Манипуляция тушунчаси ва унинг воситалари. Манипуляция ва таъсир этиш тактикаси ва стратегияси. Инсонга таъсир этишнинг асосий стратегияси. Мумомалада манипуляция. Тактик таъсир этишнинг экспериментал тадқиқотлари. Манипуляциядан химояланиш.

### **Шахс мумомала субъекти сифатида ва унинг компетентлиги**

Коммуникатив компетентлик тушунчаси. Коммуникатив қобилият. Мумомалада компетентлик. Компетентлик ва ижтимоий интеллект. Коммуникатив сигналларни идрок қилиш ва узатиш. Мумомала жараёнида таъсир қўрсатишнинг психология усуллари ва коммуникатив бузилишлар коррекцияси. Инсонларда қийинчилик туғдирувчи мумомала вазиятлари ва уларни енгиш йўллари. Мумомалада тўсик ва қийинчилик. Тортинчоқлик шахслараро мулоқотга киришишдаги ўзига хос қийинчилик сифатида.

Коммуникатив драмалар. Коммуникатив қўнималар асосида коммуникатив драмаларни енгиш. Фаол тинглаш. қайта алоқа.

Самарали мумомала ва можаролар. Можаролар, уларнинг юзага келиш манбалари. Мумомалага муваффақиятли киришиш омиллари. Оммавий ахборот алмашув соҳасида мумомала. Мумомала ва интернет. Фавқулодда ҳолатларда мумомала.

### **Оилавий муносабатлар психологиясининг предмети ва вазифалари**

Оилавий муносабатлар психологиясининг предмети ва вазифалари. Оила психологик тадқиқот бирлиги сифатида. «Оила» тушунчасининг психологик мазмуни. Оилавий муносабатлар психологияси ҳақида тушунча. Оилавий муносабатлар психологияси фанининг вазифалари.

Оила психологик тадқиқотларнинг бир бўлاغи сифатида. Оила тушунчасининг психологик моҳияти. Оила ҳаёт фаолияти макони сифатида. Шахс ривожланишида оиланинг роли. Оила - ижтимоийлашувнинг муҳим институти сифатида.

Социогенезда оила ривожланишининг тарихи. Оила эволюциясини белгиловчи омиллар. Оиланинг маданий, тарихий ва этник хусусиятлари. Замонавий оиланинг ривожланиши ҳақидаги ғоялар. Демографик ўзгаришлар ва уларнинг оилавий ҳаётга таъсири.

### **Оила функцияси, оила типлари ва роллари**

Оила функцияси, оила типлари ва роллари. Оила функциялари: репродуктив, коммуникатив, иқтисодий, тарбиявий, фелицитологик, регулятив, релаксация.

Функционал ва дисфункционал оилалар. Оилаларнинг тузилмаси ва ҳаёт сифатига кўра классификацияси. Оила динамикаси. Турли классификациялар бўйича оиланинг ривожланиш боскичлари. Оиладаги ўзгаришлар: позитив ва негатив, кутилган ва кутилмаган ўзгаришлар ҳамда уларнинг эр-хотин муносабатларига таъсири. Оилавий-ролларга нисбатан кўйиладиган талабларга мутаносиблик.

### **Оилани ўрганишда тизимли ёндашув**

Тизимли ёндашув. Оила тизимини ўрганишнинг умумий характеристикаси. Оила тушунчаси ва параметрлари тизим сифатида. Оила қонунлари тушунчаси ва уларнинг оилавий ҳаётдаги роли. Оила чегаралари ва ўзаро харакат стандартлари. Оила афсоналари ва мифлари. Оилани англашда оила ҳақидаги мифларнинг роли. М.Боузнинг оилавий тизимлари ҳақидаги назарияси.

Хулқ-атвор намуналари ва оила ичидаги муносабатларнинг авлоддан авлодга ўтишида психогенетик тузилмаларнинг авлоддан авлодга ўтувчи аҳамияти. Оила генограммаси ва геносоциограммаси.

## **Оиланинг ҳаётый цикли**

Оиланинг ҳаётый цикли. Оила ҳаётый циклини даврлаштириш муаммоси. Турли муаллифлар нуқтаи назаридан оила босқичлари таҳлили. Оила ҳаётый циклининг асосий босқичлари.

Ёш ва етук оилада оилавий муносабатларнинг ривожланишидаги асосий вазифалар. Оила динамикаси ҳаётый цикли доирасида юзага келувчи асосий оилавий ҳодисаларнинг ўзига хослиги.

Оила ривожланишининг норматив инкиrozлари. Оила функциясининг бузилиш омиллари: ўта кучли, узоқ муддатли сурункали, оила стереотипи ва турмуш даражасининг кескин ўзгариши, қийинчиликларнинг жамғарилиши.

### **Умр йўлдошини танлаш назариялари**

Умр йўлдошини танлаш назариялари. Жинсий тафовутлар ва оилавий муносабатлар. Психологик андрогиния назарияси.

Психологик тадқиқотларга кўра севги типологияси. Муҳаббат босқичлари. Бўлғуси никоҳ муносабатларининг ижобий ва салбий омиллари.

Никоҳга кириш мотивациялари. Никоҳ мотивлари типлари.

Оилада шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари.

Оилада мулоқотнинг бузилиш сабаблари. Оилада эффектив мулоқотни ташкил этиш омиллари. Эр-хотинларнинг психологик бирлигини муаммоси.

Оила жипслиги. Жипслик омиллари. Жипслик даражалари. Никоҳдан субъектив қониқиши. Никоҳдан қониқмаслик сабаблари. Эр-хотинларга психологик ёрдамнинг асосий йуналишлари.

### **Психологик адаптация ва оила интеграцияси**

Психологик адаптация ва оила интеграцияси. Оилавий ҳаёт соҳасидаги адаптацион механизмлар. Ўзаро мослашувнинг психологик моҳияти. Оилавий адаптациянинг асосий турлари тушунчаси. Моддий, ахлоқий-психологик, интим-шахслик адаптациялари. Оилавий мотивлар шаклланиши ва ривожланишига олиб келувчи оила интеграциясининг ижтимоий-функционал механизmlари.

Оиладаги ижтимоий-психологик муҳит. Никоҳдан қониқиши омилларини тизимлаштириш. Эр-хотин мутаносиблигини никоҳнинг муҳим шарти сифатида тушуниш.

Эр-хотин қониқканлиги бўйича З йўналиш: тизимли ёндашув, функционал ёндашув, мослашувчанлик йўналиши бўйича тадқиқотлари. Комплментарлик ва гомогамликнинг эр-хотин қовушганлигига ифодаланиши.

## **Ота-она ва фарзандлар муносабатларнинг хусусиятлари**

Оилавий мұхитнинг бола психологиясига таъсири. Ота-оналар позициясининг шаклланиши. Репродуктив установкалар. Эҳтиёжлар тушунчаси. Болаларга эҳтиёждан қониқиши даражаси ва уни юзага келтирувчи омиллар.

Ота-оналар позициясининг психологик хусусиятлари.

Ота-оналик установкаси турлари. Ота-оналик позицияси, унинг характеристикаси: фаоллик, адекватлик, динамикалик, прогностик. «Мистификация» феномен, унинг формалари ва бола шахсини ривожланишидаги ўрни. Ота-оналик позициясини бузилиш сабаблари.

Репродуктив установкалар. Репродуктив эҳтиёжлар ва тугалланганлик тушунчаси. Болаларда эҳтиёжларни қониқанлик даражаси ва омилларини ривожланиши. Ота-оналик позициясининг психологик хусусиятлари. Ота-оналик меҳри тарихий-маданий феномен сифатида. Оилада ота-она ва фарзандлар муносабатининг асосий ҳарктеристикаси. Ота-оналарнинг болага бўлган меҳрини эмоционал жиҳатдан қабул қилиш – комил инсон тараққиёт омили сифатида. Бола тарбиясида ота ва онанинг роли. Оталик ва оналик меҳрининг хусусиятлари (Э.Фромм, А.Адлер).

Оналик ёш-жинсий ва шахслик айнанлиги босқичи сифатида. Ҳомиладорлик кризиси. Оналик депривацияси.

Туғилиш тартибига караб боланинг позицияси ва шахслик хусусиятларининг ўзига хослиги. Оилада тарбия типлари.

Болалар билан оила ичидаги коммуникация хусусиятлари. Бола шахси ривожланишига таъсир этувчи психологик характеристикалар комплексига оиладаги тарбия потенциали ва психологик аура таъсири. Боланинг оиладаги роли. Ота-оналар директивалар. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятлари. Оилада сиблинг мақомидаги муносабатлар. Сиблинг моҳияти. Тўнгич бола. Иккинчи фарзанд, ўртанча ёки кичик фарзанд. Ягона фарзанд. Сиблинг мақомининг бола ва катталар муносабатига таъсири. Сиблинглар рақобати. Кўп болали оилада шахслараро муносабатлар ва уларнинг бола психик тараққиётидаги таъсири.

## **Оилавий можаролар ва уларнинг сабаблари**

Номақбул оила – оиланинг ички мұхитида психологик қулайлигини пастлигини асослаб берувчи шакли. Оилавий можаролар ва уларнинг сабаблари. Оилавий можаролар: эр-хотин ўртасидаги можаролар. Қайнонекелин ўртасидаги можаролар. Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги можаролар. Оилада муомала кийинчиликлари. Оилавий можароларнинг келиб чиқиши сабаблари. Кўпқиррали айланали каузаллик қонуни ва шахслараро муносабатларнинг турли хил жиҳатлари. Номақбул оила психологик мұхити салбий бўлган оила сифатида.

Рашқ ва хиёнат муаммоси. Рашқ типлари. Фукароларнинг хиёнатга муносабатлари ва реал хулк-атворлари. Никоҳ ва оиланинг бузилиши.

## **Оилавий ҳаёт циклиниң нонорматив кризислари**

Ажралишлар ва қайта никоҳлар муаммоси. Ажралиш омиллари ва сабаблари. Ажралиш жараёнининг босқичлари. Ажримгача бўлган оила (ажримнинг эмоционал фазалари: ажрим тўғрисида қарор қабул қилиш, оила тизимининг тугатилиши), ажрим жараёнидаги оила (фарзандларга тушунтириш, хукуқий, иқтисодий, ижтимоий ажрим). Ажримдан кейинги оила (янги оила тизимини шакллантириш). Ажралишларнинг этник ва тарихий хусусиятлари. Ажралиш - тугалланмаган гешталт сифатида. Ажралиш шахс норасолиги сифатида. Ажралиш жараёнидан кейинги даврлаштириш. Эркаклар, аёллар ва болалар учун ажралишларнинг оқибатлари.

Қайта турмуш қуриш. Янги оила тизими шаклланишининг асосий турлари. Қайта турмуш қуришнинг психологик муаммолари.

Бевалик. Психологик ёрдамнинг асосий вазифалари ва йўналишлари.

Бола сақлаб олиш муаммолари. Боланинг янги оиласига қўшилишининг самарали психологик шартлари. Болани янги оиласига киришига таъсир этувчи омиллар ва динамик детерминацияси.

### **Шахс етуклиги ва оилавий муносабатларнинг кўриниши**

Шахс етуклиги ва оилавий муносабатларни кўриниш. Оилавий муносабатлар психологиясида шахс етуклиги муаммоси. Оила-никоҳ муносабатларига тайёрлик. Тадқиқ зтиш даражаси. Р.Энрайт модели. Эмоционал-психотерапевтик функция, унинг шахс тузилмасидаги ўрни.

### **Оила диагностикаси ва консультацияси хусусиятлари**

Оила диагностикаси ва консультацияси хусусиятлари. Оилавий муносабатлар диагностикаси методларининг ўзига хослиги. Оиланинг психологик харитасини кўриб чиқиш ва тузиш. Оилавий муносабатлар динамикаси ва сифатини аниқлашда проJECTIVE методикалардан фойдаланиш. (Оила расми). Оила диагностикаси босқичларида генограммадан фойдаланиш. Оилавий социограмма асосида субъектнинг оиласидаги ўрни, шахслараро муносабатлари ва коммуникация характерини ўрганиш. FACES-3 методикаси ёрдамида оилавий бирлик ва оилавий адаптацияни ўрганиш. Оила консультациясининг ўзига хос хусусиятлари.

Асосий тамойиллар ва босқичлари. Оила психоконсультациясининг асосий йўналишлари: психоаналитик, бихевиористик, тизимли. Оила психотерапияси асослари. Оила психотерапиясини белгилаб берувчи асосий концепциялар Тизимли оила психотерапиясини аниқлаш. Тизимли оила психотерапиясини қўллаш учун кўрсатмалар ва чекланишлар. Тизимли оила психотерапияси техникаси. Аналитик-тизимли оила психотерапияси интегратив модели. Аналитик-тизимли оила психотерапияси методлари ва техникаси. Оила тадқикотларида арт-методлар.

## **З-БЎЛИМ. ЭТНОПСИХОЛОГИЯ ВА ДИН ПСИХОЛОГИЯСИ**

### **Этнопсихология фанининг предмети, вазифалари ва методлари**

Этнопсихология ҳақида умумий тушунча. Этнопсихология фанининг предмети, объекти ва вазифалари. Этнопсихологиянинг асосий тушунчалари: “этнос”, “маданият”, “этник идентиклик”. Этнопсихологиянинг назарий ва амалий аҳамияти. Этнопсихология фанининг муаммолари.

Этнопсихологиянинг фанларо характери. Этнопсихологиянинг асосий бўлимлари. Этнопсихологик тадқиқотларда “Emic” ва “Etic” ёндашувлар. Этнопсихологиянинг тадқиқот методлари. Этнопсихологик тадқиқотларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

### **Этнопсихология фанининг шаклланиш тарихи**

Ш.Монтескье тадқиқотларида географик детерминизм ғояси. Гердер фалсафасида “халқ руҳи” ғояси. М.Лацарус ва Г.Штейнталнинг халқлар психологияси ҳақидаги таълимоти. Г.Лебоннинг халқ ва омма психологияси тўғрисидаги концептуал қарашлари. В.Вундтнинг халқ ва омма психологияси назариясини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси. Ф.Боас тадқиқотларида этник маданиятнинг яхлит тузилма сифатида ўрганилиши. Р.Бенедикт тадқиқотларида апполоник ва дионистик типдаги маданиятларнинг тафовут қилиниши (Конфигурационизм). М.Мид тадқиқотларида маданият ва психологиянинг яхлит ҳолда ўрганилиши. А. Кардинер, Дж. Уайт ва К.Дюбуа тадқиқотларида шахс таркибий тузилишга оид ғоялар (ўрта-миёна шахс, модал шахс ва б.)

### **Этнопсихология муаммоларини ўрганиш бўйича яқин хориж мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар**

Россияда ўтказилган дастлабки этнопсихологик тадқиқотлар ва янги фан соҳасини яратишга назарий ёндашувлар. Надеждиннинг психик этнографияси ва 19 асрнинг 40 йилларида Рус география жамиятининг фаолияти. Г.Г.Шпетнинг этник психологияни барпо этиш тўғрисидаги қарашлари. XX асрда Россияда этнопсихология фанининг ривожланиши. Сеченов ва Кавелин орасидаги маънавий маданият маҳсулларига асосланган ҳолда психикани ўрганиш имкониятлари ҳақидаги баҳс-мунозаралар. Л.Н.Гумилев тадқиқотларида этносларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги концепция. А.Р.Луриянинг Ўзбекистонда амалга оширган тадқиқотлари.

### **Этнос ва миллат тушунчаларининг қиёсий таҳлили**

Этнос, элат, миллат, ирқ тушунчаларининг ўзига хос жиҳатлари. Миллат тушунчаси. Миллатнинг психологик асослари мазмуни. Моддий ва маънавий маданият. Этник муҳит ва этник маданият. Этник маданият – хулқ-автор намуналари, қадриятлари, мазмун-моҳиятлари тизими сифатида. Этноснинг яхлит тизим сифатида мавжудлиги. Турли элат вакиллари хулқ-авторининг психологик ўзига хослиги.

## **Этнос ва шахс**

Шахсий ўзликни англаш ва этник ўзликни англаш тушунчаларининг муштараклиги. Этник ўзликни англашнинг таркибий тузилиши ва функциялари. Этноним тушунчаси. Индивид социализациясида тилнинг ўрни. Болалар социализацияси ва инкультурацияси. Шахснинг универсаллик ва маданий ўзига хослик назариялари муаммоси. Миллатнинг психик қиёфаси ва унинг таркибий қисмлари. Этник олам тасавуригининг таркибий тузилиши. Этник установкалар ва схемалар.

### **Миллий характер ва этник идентиклик**

Миллий характер ва темперамент. Миллий менталитет ва миллий тафаккур. Этник идентикликнинг шаклланиши. Этник идентиклик турлари. Этник идентикликнинг ўсиши ва инқирози феноменлари. Миллий характернинг асосий назариялари. Миллий характернинг асосий ўлчовлари. Миллий ва этник озчиликларда этник идентиклик.

### **Миллий менталитет, этник рамзлар ва маданият**

Миллий-психологик ўзига хосликлар тушунчаси, турлари ва хусусиятлари. Миллий психиканинг функциялари. Этник рамзлар. Этник рамзийлаштириш механизmlари. Этноснинг психологик ҳимоя механизmlари. Этнопсихологик ҳодисаларни ўрганишга ёндашувнинг илмий тамоиллари. Этнопсихологик феноменларнинг намоён бўлиш механизmlари.

### **Этник стереотиплар ва уларнинг турлари**

Этник стереотип тушунчаси. Этник стереотипларнинг шаклланиши ва функциялари. Этник стереотипларни ўрганиш тарихи ва асосий хусусиятлари. Этник стереотиплар ва стереотипизация механизmlари. Идрокнинг этник стереотиплари. Хулқ-атворнинг этник стереотиплари. Автостереотиплар ва гетеростереотиплар. Турли этнос қиёфаларининг шаклланиш муаммолари.

### **Этник ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари**

Этник ўзаро муносабатлар. Этник ўзаро муносабатлар шаклланишининг турлари ва босқичлари. Этник жамоаларнинг ўзаро ҳамкорлик жараёнлари. Этник ўзаро ҳамкорлик вазиятида гурухлараро идрок хусусиятлари. Тил – этник ўзаро ҳамкорлик механизми сифатида. Аккультурация тушунчаси ва унинг тавсифи.

### **Этник низолар ва этноцентризм**

Этник низолар. Этник низоларнинг таърифи ва таснифи. Этник низоларнинг психологик детерминантлари. Этник низоларнинг таркибий

тузилиши. Этник низоларни бартараф этишнинг психологик асослари. Этноцентризм мафкураси. Этноцентризм – ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида. Этноцентризмни бартараф этиш йўллари.

### **Дин психологиясининг предмети ва методлари**

Дин ва дин психологияси тушунчаларининг таърифлари. Дин психологияси фанининг умумий тавсифи. Илмий билимлар тизимида дин психологиясининг ўрни. Дин психологиясининг тадқиқот методлари. Диннинг психологик назариялари.

### **Дин психологиясининг асосий тушунчалари**

Диний оңг тушунчаси. Диний психология ва диний мафкура. Диний ибодат ва унинг диндор психологиясига таъсири. Диний тасалли ва диний тарғибот. Ишонч ва унинг турлари. Диний эътиқод. Ички (ботиний) диндорлик – дин психологияси предмети сифатида.

### **Диндор шахсига хос психологик хусусиятлар**

Диний ҳис-туйғулар. Диний муомала ва диний устунлик (ўз динини бошқа динлардан устун қўйиш) ҳодисаси. Диндор кишининг эҳтиёжлари ва хулқ-атвор мотивлари. Диндорларнинг қадриятлар тизими ва диний установкалари. Диний ҳодисаларнинг интерсубъектив (зоҳирий) жиҳатлари.

### **Диннинг шахс шаклланишидаги ўрни ва моҳияти**

Диний кечинмаларнинг психологик таҳлили. Психология фанида диний эътиқод тушунчасига ёндашув. Диний амаллар ва диний хулқ-атвор. Г.Оллпорт тадқиқотларида диндор шахси типологияси. В.Франклнинг ҳаёт мазмуни тўғрисидаги таълимотида диндорлик тушунчаси. Рационал ва конфессионал йўналтирилган дин психологияси.

### **Инсоннинг диний жамоага қўшилиши ва унинг психологик томонлари**

Диний жамоа ва дин пешволарининг (раҳнамоларининг) инсонга кўрсатадиган психологик таъсири. Инсонларни диний ташкилотларга жалб этиш хусусиятлари. Даъватчи (ёлловчи) ва объект (ёлланувчи) орасида онгизлик даражасидаги ишончли ўзаро алоқанинг вужудга келиши. Объектнинг (ёлланувчининг) онгини бошқаришнинг нутқий усуслари. Психотехник усуслар ва объект (ёлланувчи) онгига ҳосил бўлган ўзгаришларнинг ташки белгилари.

### **Иймон ва эътиқоднинг шаклланиши ва намоён бўлиши**

Диний иймон ва эътиқод тушунчаси. Уларнинг шаклланиш босқичлари. Билиш жараёнлари ҳақида умумий тушунча. Сезги ва унинг турлари. Идрок ва унинг хусусиятлари. Хотира ва унинг эътиқоддаги роли.

Тафаккур жараёни ва билимлари. Хаёл ва унинг моҳияти. Психологик хусусиятлардан: дикқат ва эътиқод.

### **Диний эътиқод ва шахснинг индивидуал хусусиятлари**

Дин психологиясида шахс. Диний эътиқод ва шахснинг мижози (темперамент). Диний эътиқод ва феъл-атвор (характер). Диний эътиқод ва фаолият. Нутқ ва фаолият бирлиги. Диний эътиқоднинг шахснинг ўзига хос хусусиятларига таъсири ва шаклланишидаги аҳамияти.

### **Ижтимоий муҳит, диний анъаналар ва комил инсоннинг шаклланиши**

Ижтимоий муҳитнинг психологик иқлими ҳақида. Жамоа, гурӯҳ ва гурӯҳ турларини дин психологиясида ўрганилиши. Диний ва нодиний анъаналарининг шахсга таъсири. Шахснинг миллий, диний ва умуминсоний хусусиятларини шаклланишини психологияда таҳлил этилиши. Диний ва нодиний алоқаларни этнопсихология ва ижтимоий психологияда ўрганилиши.

### **Диний фанатизм ва фанатлар юзага келишининг психологик асослари**

Диний фанатизмнинг дин психологиясида ўрганилиши. Нодиний фанатизмни умумий психологияда ўрганилиши. Фанатни (манкурт) юзага келтирувчи психофизиологик омиллар. Шахс дикқати доминантлик (устунлик) хусусияти фанатизм ва унинг патопсихологияда ўрганилиши. Фанатликнинг олдини олишнинг психологик (тўғри тарбия ва асосли билим) асослари ҳақида.

### **Диний покланиш (катарсис)нинг ижтимоий психологик моҳияти**

Диний катарсис тушунчаси. Аристотель асарларида катарсис тушунчасининг ишлатилиши. Жамоавий ибодатлар ва катарсис. Медитация ва эътиқод. Диний амаллар, удумлар ва катарсис.

## **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР**

### **Рахбарий адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ ҳаёти ёруғ ва келаэаги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 383 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – 457 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 декабрдаги “Ёшлар форуми”да ёшлар билан учрашувидағи нутқи.

### **Норматив-хукуқий ҳужжатлар**

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 апрелдаги “Олий ўқув юритдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 304-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати” тўғрисидаги қонун 16 б.(09.14.2016 й 37 (745) - сон 426 модда)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги №ПФ-5763-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон. – Тошкент. 2017.

### **Асосий адабиётлар**

11. Андреева Г.М. Психология социального познания. 2-е изд. - М., 2000.
12. Андреева Г.М., Богомолова Н.Н., Петровская Л.А. Зарубежная социальная психология XX столетия: Теоретические подходы. - М., 2001.
13. Андреева, Г. М. Социальная психология : учеб. для вузов / Г.М. Андреева - 5-е изд., испр. и доп. - М. : Аспект Пресс, 2009. - 364 с.
14. Белинская Е.П., Тихомандрицкая О.А. Социальная психология личности. - М., 2001.
15. В.М.Каримова. Ижтимоий психология: о‘кув қо‘ланма ОТМ talabalari uchun. Т.: 2007. 174 Б
16. Фозиев Э. Ф. Ижтимоий психология. Тошкент 2010.
17. Гришина Н.В. Психология конфликта. – СПб., 2003.

18. Зимбардо Ф., Ляйппе М. Социальное влияние / Пер. с англ. - СПб., 2000.
19. Знаков В.В. Понимание в познании и общении. - Самара, 2000.
20. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Фарғона 2002.
21. Коломинский Я.Л. Психология взаимоотношений в малых группах (общие и возрастные особенности). – Минск, 2000.
22. Крейдлин Г.Е. Невербальная семиотика: Язык тела и естественный язык / Пер. с англ. – М., 2002.
23. Кричевский Р.Л., Дубовская Е.М. Социальная психология малой группы. 2-е изд. -М., 2001.
24. Кузьмин Е.С. Основы социальной психологии. ЛГУ 2001.
25. Куницына В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М. Межличностное общение. – СПб., 2001.
26. Ольшанский Д.В. Психология масс. – СПб., 2001.
27. Парыгин В.Д. Основы социально-психологической теории. М. 2001.
28. Петровский А.В. Социальная психология. М. 2003.
29. Почебут Л.Г., Чикер В.А. Организационная социальная психология. – СПб., 2000.
30. Свенцицкий А.Л. Социальная психология. М.: 2003
31. Скрипкина Т.П. Психология доверия: Теоретико-эмпирический анализ. – М., 2000.
32. Социальная психология / Отв. ред. А.Л. Журавлев. – М., 2002.
33. Социальная психология в современном мире / Под ред. Г.М. Андреевой, А.И. Донцова. - М., 2002.
34. Стефаненко Т.Г. Этнопсихология. 3-е изд. - М., 2003.
35. Юревич А.В. Социальная психология науки. – СПб., 2001.

### **Қўшимча адабиётлар**

36. Асмолов А.Г. Психология личности: Принципы общепсихологического анализа. М., 2001.
37. Деркач А.А. Акмеология: Личностное и профессиональное развитие человека: В 4-х томах. – М., 2001.
38. Джузэлл Л. Индустрально-организационная психология / Пер. с англ. – СПб., 2001.
39. Иванов М.А., Шустерман Д.М. Организация как ваш инструмент: Российский менталитет и практика бизнеса. – М., 2003.
40. Лебедев-Любимов А.Н. Психология рекламы. – СПб., 2002.
41. Мудрик А.В. Социальная педагогика. 3-е мзд. -М., 2000.
42. Олпорт Г. Становление личности: Избр. труды / Пер. с англ. – М., 2002.
43. Социальная психология в трудах отечественных психологов: Хрестоматия / Сост. и ред. А.Л. Свенцицкий. – СПб., 2000.
44. Управление персоналом / Под ред. Т.Ю. Базарова, Б.Л. Еремина. 2-е изд. – М., 2001.
45. Экман П. Психология лжи / Пер. с англ. - СПб., 2000.

### **Хорижий адабиётлар**

46. Аронсон Э., Уилсон Т., Эйкерт Р. Социальная психология: Психологические законы поведения человека в социуме / Пер. с англ. – СПб., 2002.
47. Берковиц Л. Агрессия: Причины, последствия и контроль / Пер. с англ. – СПб., 2001.
48. Веденская Л.В, Павлова Л.А. Деловая реторика: учебное пособие для вузов.- М.:ИКЦ “МарТ”, 2004-512 с.
49. Милграм С. Эксперимент в социальной психологии / Пер. с англ. – СПб., 2000.
50. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003. - 320 с.
51. Перспективы социальной психологии / Ред.- сост. М.Хьюстон, В.Штребе, Дж.Стейфенсон. Пер. с англ. - М., 2001.
52. Фернхем А., Хейвен П. Личность и социальное поведение / Пер. с англ. – СПб., 2001.
53. Шибутани Т. Социальная психология / Пер. с англ. – Ростов-на-Дону, 1998.
54. Anne L. Peplau, David O. Sears, Letitia Anne Peplau, Shelley E. Taylor. Social psychology. Publisher.: Prentice Hall PTR. 2005. 576 p.
55. David G. Myers «Social Psychology», 7th ed., 2002. 219 p.
56. Allan Lind E. Social Psychology and Justice Pub.: Routledge. 2019. 316 p.

### **Электрон таълим ресурслари**

57. www.edu.uz
58. www.flogiston.ru
59. www.koob.ru
60. www.psychology-online.net
61. www.psychol-ok.ru
62. www.psyho.ru
63. www.psystudy.ru